



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
14 апрель
ШАНБА
№ 29
(12.457)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

СОҒЛОМ АВЛОД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



ЭНГ ЯХШИ САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ

Мамлакатимизда Ватан келажagini таъминловчи ёш авлод тарбияси ва камолотига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Юртбошимизнинг тенглари ичра тенг бўлишимиз ҳақидаги орзу-истаклари, сая-ҳаракатлари

ри замирида ҳам миллатимиз шаъни, обрў-эътиборини юксакларга кўтаришдек эзгу мақсад ётади. Соғлом авлод тарбияси йўлидаги гамхўрликлар ҳар қадамда турли тadbирлар кўришида намоён бўлмоқда.

чаклари ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзидан, саломатлик сирларидан яхшигина хабардор эканликларини сезилиб турибди. Айниқса, Ангрэн шаҳри 41-мактаб ўқувчиларининг табиий доривор гиёҳлар хусусиятларини яхши билиши, чирчиликларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги бой тасавури, Қибрайдаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг тиббий маданиятини пухта ўзлаштириши ҳақидаги маълумотлар хайратга ташкил бўлди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят филиали, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари ўртасидаги "Энг яхши саломатлик бурчаги" танлови ҳам ўқувчи-ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигига эътиборини қучайтириш,

муқтақил ҳаётга тайёрлаш ва инсоний фазилатларни камол топтириш мақсадида уюштирилди. Унда вилоятимизнинг шахар ва туманларидаги танловларда гўлиб чиққан 18 та умумтаълим мактаблари жамоалари иштирок этди. Танлов шартларига кўра, мактабда ташкил этилган саломатлик бурчақларининг таркибий қисмлари ҳар бир синф хоналарида ҳам бўлиши, саломатлик бурчақлари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмалар ва ситалар, фавкулда вазиетларда биринчи тиббий

ёрдам кўрсатишда қўлланадиган асбоб-ускуналар, худудда ўсадиган гиёҳлардан тайёрланган гербарийлар, ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақидаги ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишлари ва деворий газеталар, фотоальбомлар бўлиши керак. Бу шартлар танловда иштирок этган мактабларнинг барчасида имкон қадар бажарилган. Ангрэн, Чирчиқ, Қибрай, Олмалиқ, Зангиота, Паркент, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва оҳангаронлик қатнашчиларнинг саломатлик бур-

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ

нечоғлик пишиқ-пухталиги жамоат назоратининг таъсир кучи ҳамда барча бўғинлардаги молия-бошқарув идораларида ишга чуқур масъулиятли ёндашилиши билан белгиланади

Бюджет маблағлари соҳа ва тармоқларни барқарор молиялаштиришнинг асосий омилдир. "Бюджет тизими тўғрисида" "Давлат бюджетининг фазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу жараёнда янги босқичларни бошлаб берди.

Ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи Даврон Ҳожиев. – Зеро, бюджет маблағи давлат, жамият, халқ бойлиги. Унинг ҳар бир сўми кадрли. Шунинг назарда тутиб, бюджет ташкилотларининг иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи ва товар етказиб берувчилар билан шартнома ҳисоб-китоблари, маблағларнинг мақсадли сарфланishi устидан назоратни кучайтирмоқдамиз. Шартномаларнинг мақсадга мувофиқлиги, сарф-харажатлар қанчалик оқилона бўлаётгани устидан мониторинглар ўтказилиб, йўл қўйилаётган камчиликлар бартараф этилмоқда, асосан харажатларнинг олди олинапти.

– **Фазна ижросини таъминлашнинг аҳволи қандай?**

– Фазна ижросига ўтиш ўзини оқлади. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида амалга оширилган ислохотлар бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминламоқда. Илгари бюджет муассасалари белгиланган меъёрларга риоя қилмай, ноўрин сарф-харажатларга йўл қўярди. Ҳатто, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва бошқа суиистеъмолликларни содир этиш учун "дарчалар" мавжуд эди, десак янглишмаймиз. Фазна ижроси тизимига ўтиш билан



ахвол ўзгарди. Энди мақсадли сарф-харажатларга "йўл" берк. Бюджет маблағлари белгиланган мақсадларга ва тежамли сарфланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Республика эндокринология маркази ўзбекистон миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда аҳолини, айниқса, ёшларни қангли диабет касаллигидан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари, муаммо ва ечимлар мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ БЕПУЛ

Тadbирда таъкидландики, қангли диабетли беморларга республикада 14 эндокринологик диспансер даволаш-диагностика ёрдами кўрсатмоқда. Тиббий хизмат бепул бўлиб, давлат бюджетидан таъминламоқда.

иш олиб бормоқда. Бу дастур болалар ва ўсмирларни инсулин ва шприцлар билан таъминлашга ёрдам бермоқда. Келажакда қангли диабет юзасидан миллий дастур ёки қонун қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Диабет ассоциацияси Халқаро Диабет Федерацияси билан (ХДФ) ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2005 йилдан бошлаб "Life for child" беғараз ёрдам дастури

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташир буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев билан учрашди.

Учрашувда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Конституциясида миллат, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истикомат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва эллар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги муайян мактабларда 7 тилда таълим берилиши, 10 тилда босма нашрлар чоп этилиши бизда катта таассурот қолдирди. ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тadbирлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

Ў.А.

Мулқотда миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келаётгани, миллатлараро тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг асосий мақсадларидан бири этиб белгилангани таъкидланди. Ўзбекистондаги фаолият кўрсатаётган бир юз қирқдан зиёд миллий маданий марказлар фуқароларнинг ўсиб бораётган миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қўмақлашаётгани, мил-

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

ДЕПУТАТЛАР НУҚСОНЛАРГА МУРОСАИС

Оҳангарон шаҳридаги болалар мусика ва санъат мактабида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Туман халқ таълими бўлими, мактабга таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш тизимини ўрганиш натижалари муҳокама этилди. Туман барча жабҳаларда етарли имкониятларга эгалликка қарамай, баъзи муассасаларнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги оқибатида ҳалигача баъзи мактабларда маиший шароитлар етарли эмаслиги, антисанитария ҳолатлари мавжудлиги, давомат пастлиги, ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсизлиги, айрим болалар боғчалари авария ҳолатидалиги, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётгани

таъкидланди. "Тез ёрдам" хизмати фаолияти қониқарсизлиги, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш тўлиқ эмаслиги, баъзи шифо масканларида тиббий шароитлар етишмаслиги кўрсатиб ўтилди. Иштирокчиларнинг аксарияти бу муаммоларни мутасаддилар сая-ҳаракатлари билан илҳом қилишга ҳаракат қилишга қўллашди. Халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят кенгашлари депутатлари фаолиятини янада жонлантириш чора-тадбирлари белгиланиши.

Абдулвоҳид БОЙМУРОДОВ.

2012 йил учун

ОБУНА

давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

газетаси индекси – 205.

2012 йил - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ЁШЛАР АРДОҒИДАГИ ХАЛҚЧИЛ АНЪАНАЛАР

Чирчиқдаги 15-музыка ва санъат мактабида шахарлик таниқли хунарманд аёллар қўли билан ясалган, гўзаллик жиҳатидан бетакрор аънавий халқ хунармандчилиги буюмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги қошидаги "Ҳамдустлик" аёллар клуби биргаликда ташкил этган кўргазмага Ўзбекистонда акредитация қилинган дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг рафиқалари, шунингдек, аёл хунарманд ва тadbирдорларнинг оилалари ташир буюришди. Кўргазмада вақт ажратиб томоша қилишга арзийдиган экспонатлар бисёр ва ранг-баранг эди: аънавий ўзбек кўғирчоқлари, турли сопол идишлар, кўзни қамаштирувчи зардузлик буюмлари, локланган ялтйорук кутича ва галадонлар, бежирим ўзбек миллий либослари... Халқ хунармандларининг том маънодаги олтин кўлларидан сайқал топган ушбу буюмлар ҳар қандай хонадон ёки ишхонага беэза бўла олади. Энг муҳими – бу гўзал буюмлар

қадри эсдалик совға сифатида серкуёш ва мехмондўст Ўзбекистон юртини доимо ёдга солиб туради. – Жаҳонга машҳур Буюк ипак йўли ўтган ўлкамиз ўз хунармандлари билан қадим-қадимдан ер юзига донг таратиб келган, – деди кўргазманинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Қувонарлики шуки, халқчил аънаваларимиз ҳамон барҳаёт, хунармандчиликка аҳоли ўртасида хануз эҳтиёж катта бўлиб, у кўплаб ёшларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Ушбу тadbирни ташкил этишдан мақсад – дипломатия корпуси вакиллари билан таъминлаётгани билан таништириш, оилавий хунармандчилик ва аънавий



зеб-зийнат амалий санъатини тарғибот қилиш. Шунингдек, бундай тadbирлар кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнига аёлларни янада кўпроқ жалб этиш ва, албатта, турли мамла-

катлар аёллари ўртасидаги дўстлик алоқаларини маданий тажриба алмашиш воситасида янада кенгайтиришга ёрдам беради. Кўргазма якунида 15-музыка ва санъат мактаби ўзбек миллий чолгу асбоблари бўлими ўқувчилари тайёрлаган катта концерт дас-

тури намойиш этилди. Тadbирдан меҳмонлар кўплаб янги таассуротлар олиб, чирчиқлик хунарманд аёллар ясаган совға буюмларидан уларни ёқтирганларини танлаб, харид қилдилар. **Самад ЙЎЛДОШ, Даврон АХМАД** олган сурат.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ

Вазирлар Мақамасининг "Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда касб-хунар коллежларида ўқув гуруҳларини оптималлаштириш ҳақидаги қарорларни ижросининг дастлабки натижалари хусусида нима дея оласиз?

Ўтказилган мониторинглар аксарият мактабгача таълим муассасаларида болалар қатнови пастлигини кўрсатди. Шунинг билан 21 та боғча филиалларга айланган 260 тадан кўпроқ шат қисқартирилди. Натижада 144 миллион 632 минг сўм бюджет маблағи тежланди.

Яна бир мисол. Вилоятимиздаги 121 та касб-хунар коллежиди ўтказилган текширувда деярли барча бошқич гуруҳларида даволат пастлиги аниқланди. Шу сабабли 21 та касб-хунар коллежиди 34 та гуруҳ қисқартирилиб, икки ойда 47 миллион 200 минг сўм тежалди. Бу маблағлар ҳомиладорлик таътилига чиққан ходимлар ва иш ҳақининг оширилиши муносабати билан аванс тўловларига йўналтирилди.

Аҳоли турмушини яхшилашда бюджет маблағлари қандай ўрин тутмоқда?

Аҳолининг кам таъминланган қатламларини бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоялаш кучайди. Аввало, баъзи корхоналар инқирозга юз тутиши оқибатида ишсиз қолаётган ходимлар бюджет ҳисобидан ижтимоий ҳимояланапти. Умуман, аҳоли турмушини яхшилаб бориш, касб эгаллаш ва малака оширишга хизмат қилмоқда. Мухтожларга ижтимоий ёрдам

(Давоми. Боши 1-бетда).

ТОМОРҚА - ТУГАНМАС ХАЗИНА

ҲАР БИР ХОНАДОНГА УРУҒ ВА КЎЧАТ

Паркент - соҳибқору боғбонлар, сабзавотқору чорвадорлар тумани. Ўтган йили аҳоли хонадонларига қарашли томорқаларнинг ўзиди 116 миллиард сўмликдан зиёд деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди. Бу туманда томорқа ерлардан унумли фойдаланиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган махсус дастурнинг самарасидир.



Туман деҳқон хўжалиқлари агар томорқадан оқилона ва тадбиркорлик билан фойдаланилса, у ҳар бир оила учун йил давомида барқарор даромад келтирадиган муқим манбага айланиши амалда исботламоқдалар. Масалан, 2011 йилда хонадонларнинг томорқаларида 4744 тонна картошка, 18 минг 350 тонна сабзавот, 1332 тонна полиз, 13 минг 285 тонна узум, 7644 тонна мева, 550 тонна дуккакли дон, 2570 тонна чорва озуқаси, 7140 тонна гўшт, 37 минг 240 тонна сўт, 1 миллион 385 минг донна тухум етиштирилди.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Жамиятнинг гуллаб-яшнаши, барқарор ривожланишида ҳар соҳада билимдон, баркамол ёшларимизнинг ўрни ва роли алоҳида. Бу ҳақда Юртбошимизнинг шундай сўзлари бор:



Паркент Агросоноат касб-хунар коллежиди таъбир жоиз бўлса, ана шундай умидли, ишончга сазовор ёшлар таълим-тарбия олмақда. 2004 йилда фаолият бошлаган коллеж ўқувчилар, ота-она, корхона ва ташкилотлар эътиборини қозонмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўладиган мутахассислар тайёрловчи бу даргоҳдан шу кунгача 1506 нафар ўсимликшунослар, фермер ва чорвадорлар, техник хизмат кўрсатиш ходимлари, тикувчи ва тўқувчилар, молиячи, ҳисобчи ва компьютер тармоқларини соловчи усталар, ҳайдовчилар етишиб чиқди.

СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛАР КЎРИГИ

Чирчиқ шаҳридаги Академик лицейда "Доналик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" тўрақ-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Уни "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти"нинг шаҳар бўлими ташкил этди. Иштирокчилар уч шарт бўйича сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликларини намойиш қилишди. 2-босқич ўқувчиси Маъмура Маматкулова голиб чиқиб, қўриқтановнинг вилоят босқичига йўланма олди.

Баҳоидир ХОЛМАТОВ.


МАСЛАҲАТ ХИЗМАТИ

Юрт фаровонлиги, эл шодлиги - деҳқонлар гайрат-шижоати маҳсули. Зеро, деҳқоннинг ҳаракати эл барокатиدير.

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги юртимиз ободлиги ва эл фаровонлигини янада юксалтириш, фермер хўжалиқлари раҳбарлари, соҳа мутахассисларининг билими, тажриба ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2008 йил 27 августдаги 196-сонли қарорига асосан, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II босқич" лойиҳасининг, "Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консултация хизматлари кўрсатиш" тизими доирасида ўтказилаётган ўқув-машғулотлари шу эзгу мақсадга қаратилгани билан муҳимдир. 2012 йил январь ойи-

да вилоятнинг 2744 дан зиёд фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари билим ва тажрибаларини оширилади. 2010-2012 йиллар давомида институтлари олимлари интенсив технологиялар асосида тупроқ унумдорлигини ошириш, интенсив боғлар барпо этиш, агротехник тадбирларини ўз

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТЛАР



5040 нафардан ортиқ қишлоқ хўжалик ходимлари, яъни вилоятимиз фермерларнинг 60 фоизи шундай анжуманларда билим ва малакаларини мустаҳкамлади. Олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот вақтида ўтказиш, ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан асраш, замонавий агротехникаларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, фермер хўжалиқларида бухгалтерия ҳисоби ва унинг қонуний-ҳуқуқий асослари, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги корхоналарини иштини ташкил қилиш бўйича бизнес-режа тайёрлаш каби долзарб мавзуларда машғулотлар қилдилар.

2012 йилги ўқув семинарлари маъруза, савол-жавоб ва мунозара тарзида ўтказилди, шунингдек, ҳар бир мавзу бўйича ўқув марказларида кўргазмали амалий машғулотлар уюштирилди. Семинар нихоясида 2744 га яқин иштирокчилар ўқув курсидан олган билим, тажрибалари асосида тренер маҳорати, машғулотларда техника воситаларидан фойдаланиш даражасини аниқлашда ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича анкета саволларига муносабатларини билдирдилар.

Кишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги вилоят бўлими.

МОДДИЙ РАҒБАТ

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Вилоят далаларида пахта учун ажратилган майдонларга барака уруғи қадаш якуновчи паллага кирди. Механизатор, сепкачи, таъмирловчи, ёнилли етказиб берувчи,

хуллас, чигит экиш мавсумига жалб этилган барча техник восита ва ишчи кучлари юқори унум билан ишлаши учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.



Шу билан бирга экиш бошланганидан буён алоҳида гайрат билан ишлаганлар ҳомийлар ёрдамида моддий рағбатлантириб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Агросоноат мажмуаси ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши чигит экиш кампанияси пеш-

майдоннинг 90 фоизига чигит экишга улгурган эди. Бугун эса сўнги гектарларга барака уруғи қадалмоқда. Экиш жараёнида алоҳида жонбозлик кўрсатган механизатор, сепкачи ва бошқа ишчи-хизматчиларни эсдалик совгалари билан моддий рағбатлантириб бориб, мавсумни жадаллаштиришга ҳисса қўшганимиздан мамнунмиз, - дейди Агросоноат мажмуаси ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Анвар Иброҳимов. - Зеро, эрта муддатларда сифатли экиб олинган чигит тез ва текис униб чиқиб, аввал-бошданок мўл ҳосилга пухта замин яратишини кўп йиллик тажрибалардан яхши биламиз.

Уз мухбиримиз.

мурнинг оқ отда даврага кириб келиши, ўқувчилар билан мулоқотга киришиши, доно ўғитлари барчани хаяжонга солди.

Истиклол туфайли эркимиз, ўзлгимизга қайта эришдик, - деди туман хокими Акбар Сулаймонов. - Бугун биз туманимизда ўз ўрни, обрў-эътибори бўлган Агросоноат касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ютуқларидан мамнунмиз. Аждодларига муносиб авлод бўла олиш ёшларимиз учун олий бахт. Бу даргоҳда ўқиб, касб эгаллаётган ёшларимиз, шубҳасиз мустақил Ватан тараққиёти йўлида астойдил меҳнат қилади. Бугунги очик эшиклардан келгусида туманимиз иқтисодий, ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этидиган ўз касбининг усталари кириб келаётган бўлса ажаб эмас...

Туман ҳокими таъкидлаганидек, ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиши, баркамол авлод бўлиб етиштириш муҳим аҳамиятга эга касб-хунар коллежлари Паркентда 5 та. Яқинда олтинчисини куриш бошланади.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Зиёвуддин ХОЛИҚОВ олган сурат.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва салоҳиятли этиб воёга етказиш, оналик ва болаликни муҳофизат қилиш соҳасида эришилган ютуқлар 2011 йил ноябрь ойида пойтахтимизда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофизат қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда хорижий экспертлар томонидан эътироф этилди. Шу муҳим вазифаларга оид дастур ва тадбирларни амалга оширишда бир қатор давлат идора ва муассасалари қаторида кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси шундай ташкилотлардан биридир.

Жамғарманинг вилоят бўлими директори Гулсанам Ваҳобова билан суҳбатимиз жамоа фаолияти ва келгусидаги режалар хусусида бўлди.

– Гулсанам Ваҳобовна, бугун "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари амалга ошираётган тадбирларни таърифлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Зеро, Юрбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғарманинг фаолият кўлами ҳам кенгайиб, ҳам тақомиллашиб бормоқда. Айтингчи, унинг вилоят бўлими учун 2011 йил қандай кечди?

– Ҳақиқатдан ҳам ел саломатлигини асраш, баркамол ўғил-қизларни истисқоллигимизга муносиб ворислар этиб воёга етказишдек эзгу ишларни амалга оширишда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси олдинги сафларда бораяётгани ва бунда муносиб хиссамиз борлиги билан фахрланамиз. 2011 йилги фаолиятимиз ҳам одатдагидек, самарали бўлди. Жамғарма ва унинг жойлардаги таянч масканлари 456 та оммавий-маърифий, тиббий-тарғибот ва бошқа тадбирлар ўтказди. Хусусан, 170 га яқин маданий-маърифий ва 204 та хайр-саховат тадбирлари уюштирилди, 83 та спорт мусо-

қиз нафар юрак тугма касаллиги билан оғриган болаларни жарроҳлик йўли билан даволади. Бунда Корея, Германия, Россия давлатлари ташкилотлари ёрдам берди. Бундан ташқари, республика "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва чет эллик ҳамкорлар ёрдамида аҳолининг муҳтож қатлами ва тиббий муассасаларига 84 миллион сўмликдан ортиқ дори-дармон, тиббий анжомлар ва сани-

она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш билан шуғулланадиган ташкилот деб тушунади. Ваҳоланки, баркамол авлодни шакллантириш учун фақат тиббий хизматнинг ўзи камлик қилади. Жамғарма ишлаб чиққан дастурларда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш масаласига ҳам эътибор қаратилади. Хусусан, 2011 йил давомида Тошкент шаҳридаги музейлар, истироҳат боғлари ва

жаларимизни шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда туздиқ ва шу асосда уларни илҳом бажариш йўлида қизгин иш олиб бормоқдамиз. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда кўча тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси шифокорлари шаҳар ва туманларда аҳолини комплекс тиббий куриқдан ўтказишни бошлаб юборди.

Асосий йўналишлардан яна бири репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш мақсадида унга орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат. Шу билан бирга маданий-маърифий ва спорт тадбирларига ҳам кенг ўрин берилмоқда. Бу ишларга ҳомиёлар ва ўз ҳисобимиздан 15,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бўлимимиз воёга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Унда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқ тарғиботини кучайтириш, бемор болаларни даволаш ва ижтимоий муҳофизат қилиш, ёшлар ўртасида маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш сингари муҳим вазифалар қамраб олинган.

Жамғармаимиз дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш билан бирга тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам кенгайтирмоқда. Зеро, оилалар мустаҳкамлигини, айниқса, ёш оилалар истисқолини таъминлашда соғлом маънавий муҳит катта рол ўйнайди. Бундай эгу ишларда фаол иштирок этиш эса ҳаммаимизнинг бурчимиздир.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Юлдаухон МУХИДДИНОВА суҳбатлашди.

ШИФОКОР ТАВСИЯ ЭТАДИ

Сил – юқумли касаллик эканлиги ҳаммага маълум. Уни микробактериялар тарқатади. Сил микробактерияси ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли, касаллик чакирлиш хусусиятларини узоқ вақт сақлайди. Одам танасига ўтган микробактериялар барча аъзоларга тарқалади ва уларда сил ўчоқларини ҳосил қилади. Улар ўпқада кўпроқ ривожланади. Лекин сил билан бўйрак, суяк, жинсий аъзо, марказий асаб тизими, лимфа бези, тери, кўз ва бошқа аъзолар ҳам касалланиши мумкин.



ШАМОЛЛАШ НИКОБИДАГИ ХАСТАЛИК

Одам танасига кирган сил микробактериялари ҳамма вақт ҳам касаллик келтириб чиқаравермайди, чунки, киши танасида унга қарши курашувчи куч – иммунитет бўлади. У микробактерияларнинг ривожланишини тўхтади, баъзи ҳолларда йўқ қилиб юбориши ҳам мумкин.

Агар иммунитет кучи кам бўлса, микробактериялар ички аъзоларга кўпайиб, касаллик келтириб чиқаради. Сифатли оққатланмаслик инсоннинг касалликка қарши курашувчанлигини сушайтиради. Айниқса, ОИВ вируси иммунитет тизимини емиради, оққатда сил касаллигининг юзага келиши хавфи кучаяди.

Сил таъқалари кўп ҳолларда одамга нафас йўли орқали ўтади ва ўпка тўқималарини яллиғлантиради, сўнг емиради. Емирилган ўпка тўқималари ўрнида бўшлиқ юзага келади. Уларда миллионлаб сил микробактериялари ҳосил бўлади. Микробактериялар етилганда, аксирганда, қаттиқ галлашганда, тушунганда атрофга сарчайди. Бу кўнга кўринмас зарраларда минглаб сил таъқалари бўлади. Бемор дуч келган жойга ту-

пурса, вақт ўтиб куриб, сил таъқалари ҳавога чанг билан кўтарилади ва нафас йўллари орқали соғлом кишиларга ўтади. Сил таъқалари очик ҳавода, айниқса, хона ҳавосида узоқ вақт сақланиб қолади. Ўпка сили билан касалланган бемор вақтида даволанмаса, бир йилда 10-12 кишига касалликни юктириши мумкин.

Бу касаллик жисмоний фаолликнинг кескин пасайиши, оила аъзолари ва бошқаларга юқishi, ижтимоий, иқтисодий муаммолар келтириб чиқариши билан ҳам хавфлидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қарори билан 1996 йилдан бошлаб ҳар йили 24 март куни "Силга қарши кураш кунини" сифатида нишонланмоқда. Асосий мақсад жаҳон жамоатчилигининг эътиборини сил касаллигининг олдини олиш тадбирларига қаратиш ва аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат.

таёқчаларини ўлдирмайдими. Оқибатда касалликни ўтказиб юборишади. Агар касаллик вақтида аниқланиб, муолажа қилинмаса, ўпка емиради. Йўтал кучайиб, бемор баъзан қон туради.

Сил касаллиги юқмаслиги учун ҳар йили фуқаролар бир марта шифокор назорати ва флюорографиядан ўтиб туришлари керак. Хоналарини тез-тез шамоллатиш, кўёш нури тушиб туришини таъминлаш, жиҳозларнинг чангини нам ёки ҳўл латта билан артиш, ўрин-кўрпа, ёстиқ каби ювиллини кийин бўлган буюмларни офтобга ёйиб туриш, дуч келган жойга тушурмаслик, қандайдил, ичкиликбозлик ва гўёхандлик каби иллатлардан сақланиш сининг олдини олишининг зарур шартларидир. Шифокорларга қанчалик эрта муурожаат қилинса, ўпка тўқималарини парчаланмишдан шунчалик асраб қолиш мумкин бўлади. Сил касаллигини аниқлаш ва даволаш хизматлари Бепул.

Баҳром АЛМАТОВ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан, "Экоимбюсервис" МЧЖга тегишли: 1) Бошлангич нархи – 105 724 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-ўй манзилда жойлашган, тураржойнинг умумий майдони 69,63 кв.м., беш қаватли бинонинг учинчи қавати, конструкция тури гиштли ва т/бетон, асосий хоналар сони 2 та, ювиниш хонаси ва ҳолатхона ўртасидаги деворлар олиб ташланиб яхлит хона ҳолига келтирилган, ошхона хонаси яшаш хонасига айлантирилган 19-хонадон; 2) Бошлангич нархи – 175 890 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-ўй, бино иншоотнинг умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисмини, конструкция тури гиштли ва т/бетон, асосий хоналар сони 12 та бўлган, 3 ва 7 хоналарда жойлашган "Сартарошхона ва дўкон (офис) бино иншоотлари". II. Тошкент шаҳар Ҳамза туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хужалик судининг 19.12.2011 й.даги 10-1118/16145-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич нархи – 954 116 086 сўм бўлган, умумий майдони 1283 кв.м. (блок "А" кичик фарм заводи биноси – бинонинг умумий майдони 1171 кв.м., блок "Б" ёрдамчи биноси 42 кв.м., блок "В" ёрдамчи бино 70

кв.м.)ни ташкил қилган 3 та икки ва бир қаватли бинолардан иборат кичик фарм заводи. Аукцион савдолари 2012 йилнинг 18 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 18 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтохур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш мумошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 16 май соат 17.00 да очик тендер ўтказилади.

- 1. ВХ-213 "Оққўрғон АШБ – Дўстобод АШБ" (Навоий орқали)
- 2. ВХ-231 "Янгийўл АШБ – З. М. Бобур қ.ф.й"
- 3. ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Қуштепа маҳалласи"
- 4. ВХ-202 "Паркент АШБ – Қўйлик АШБ"
- 5. ВХ-379 "Паркент АШБ – Самсарак қишлоғи"
- 6. ВХ-388 "Паркент АШБ – Кумушқон қишлоғи"
- 7. Битта пакет билан: ВХ-366 й.т. "Янгибозор АШБ – Буюк Ипак йўли м.б."
- ВХ-367 й.т. "Янгибозор АШБ – Қўйлик АШБ"
- ВХ-375 й.т. "Янгибозор АШБ – Паркент АШБ"
- ВХ-380 й.т. "Паркент АШБ – Дала ховли – Буюк Ипак йўли м.б."
- 8. ВХ-339 й.т. "Олмалик АШБ – Қизилой қишлоғи"
- 9. ВХ-238 й.т. "Туркистон ф/у – Чорсу савдо маркази"
- 10. ВХ-411 й.т. "Олмалик АШБ – Убайт – Узар – Эйвалек қўрғони"
- 11. ШИ-1 й.т. "5/1-кичик ноҳия – Қалмоқир станцияси" (Олмалик ш.)
- 12. ВХ-255 й.т. "Бўка АШБ – Олмалик АШБ" (Мингтепа орқали)
- 13. ВХ-465-сонли "М. Фозилов ж/х – Чорсу савдо маркази"



- 14. Битта пакет билан: ВХ-287 "Янгийўл АШБ – Олмазор қўрғони"
- ВХ-296 "Янгийўл АШБ – Паррандачилик фабрикаси"
- ВХ-300 "Янгийўл АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
- 15. Битта пакет билан: ВХ-282 "Янгийўл АШБ – Уяли қишлоғи"
- ВХ-293 "Янгийўл АШБ – Ҳўжабод қишлоғи"
- ВХ-304 "Янгийўл АШБ – М. Улғубек ф/у"
- 16. Битта пакет билан: ВХ-277 "Янгийўл АШБ – Эпкенди қишлоғи"
- ВХ-289 "Янгийўл АШБ – Миришқор қишлоғи"
- ВХ-295 "Янгийўл АШБ – Кескен маҳалласи"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасининг битталаб куриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси мўри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар қил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

си Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ависозлар кўчаси, 4/68-ўй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсанотқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УЛПС)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИИН 300625470, ХТТУ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда пул ўтказиб, 2012 йил 11 май соат 18.00 гача бюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиде) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 15 май соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-ўй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

"SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент шаҳар Марказсанотэкспорт томонидан куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 2007 й. "Нексия", д/р. 01 204 КВА автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 13 500 000 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси Тошкент шаҳри, М. Улғубек тумани, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-ўйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 15 май куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 22 ва 29 май кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш

учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувага асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИИН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-ўй. Тел.: 266-80-76.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Мирзо Улғубек тумани СИБ томонидан 21.11.2011 йилдаги 1-22423/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилозор тумани, Астрабод 1-тор кўчаси, 4-ўйда жойлашган 5 хонали хонадон қўйилмоқда. Умумий майдони 97,20 кв.м., бошлангич баҳоси – 90 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 15 май куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 31 май куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида ишти-

рок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳри, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтохур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504938050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улғубек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-ўй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

